



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 1999 йил 7 июль, чоршанба

• № 54 (11.137)

Эркин нархда сотилади

УИМБЛДОН ТУРНИРИНИНГ
ҚИЗЛАР ОРАСИДА ҒОЛИБИ
ИРОДА ТЎЛАГАНОВАГА

Қизим Иродахон,

Теннис оламида энг нуфузли Уимблдон турнирида ғолиб бўлганинг ҳақидаги хушхабарни эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу галабанг барча ватандошларимиз қалбида фахр ва миллий ғурур туйғуларини уйғотди.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбекистон шогани ва шон-шухратини улуғлаш — инсондан чинакам жасорат ва иродани, фидойиликни талаб этади.

Қизим Иродахон, ишончим комилки, мамлакатимизда йилдан-йилга равақ топаётган катта тенниснинг вакили сифатида сен жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғини доимо баланд кўтариб борасан.

Сенга сўхат-саломатлик ва бахт тилайман. Спортда ва ҳаётда омад ҳамisha ёр бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.ИРОДАНГГА
БАЛЛИ, ИРОДА!

ДУНЁ теннис оламида Англияда ўтадиган Уимблдон турнири ўзгача ўрин тутди. Ҳаттоки, уни но-расмий жаҳон биринчилиги деб ҳам атайдилар.

Сабаби, бу нуфузли мусобақада сайёрамизнинг энг кучли теннисчилари куч синашди. Қувончли томони шундаки, ушбу турнирда Ўзбекистон теннисчилари ҳам йилдан-йилга муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Куни кеча Англиядан хушхабар келди. Ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова Уимблдон турнири доирасидаги 18 ёшгача бўлган ўсмир қизлар баҳсида ғолиб чиқди. Ғолиблик шохсупа-

сига қадар Ирода олти учрашувда катта устунлик билан рақибларини мағлуб этди. Финал учрашувда эса И. Тўлаганова россиялик Л. Краснопрудскаядан 7/5:6/4 ҳисобида устун келди ва турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

Жуфлик баҳсида ҳам Ирода Тўлаганова украинalik Т. Перебийнис билан бирга шарафли иккинчи ўринни қўлга киритди. (ЎзА).

БАКАЛАВРЛАРГА
ДИПЛОМ
ТОПШИРИЛДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ мухташам «Туркистон» саройида мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қалдирғочлари — олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичини илк бор имтиёзли диплом билан тугаллаган ёшлар шарафига республика анжумани бўлиб ўтди.

Йигилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Каримов очди.

Мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазовор бўлган ёшлар номига йўлаган Табригини Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғулломов ўқиб эшиттирди. Юртбошимизнинг ёшларга меҳр-муҳаббати, ишончи, умиди, тилаги ва катта ҳаваси ўзининг ёрқин ифодасини топан бу Табрикдан бутун мамлакатимиз ёшларининг қувончи кўкка етди.

Халқимиз орзу қилаётган баркамол авлод вакиллари сифатида уларга бакалаврлик дипломи — катта ҳаётга йўлланма ни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рискимов топширди.

Талабалар номидан Тошкент Давлат университети тарих факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган Ж. Фаёзов сўзга чиқиб, ёшларга кўрсатилган катта эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга чу-

кур миннатдорлик билдирди. Ёшлар ватанимизга садоқатли, эл-юртимизга фидойи фарзандлар бўлиб, Ўзбекистонимиз дунёнинг энг тараққий топан давлатлари қаторидан ўрин олиши учун тинимсиз меҳнат қилишлари, изланиб-интилишларини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг моҳияти, баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритиб, биринчи қалдирғоч канча баланд парвоз қилса, кейинчилари ҳам улардан қолишмаслигини, юксак чўққиларни забт этишини эътироф этдилар ва биринчи бакалаврларга эзгу тилаклар, самимий истаклар билдиришди.

Катта ҳаёт синови бўсағасида турган ёшлар авлод-аждодлар хотира-сини ёд айлаб, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги Мотамсаро Она ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйишди.

Маросим сўнггида эса ёшларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Ўқтам ДҮСТЁР,
ЎзА мухбири.

«Ғалла-99»

СЎНГГИ БОСҚИЧ

Вилоятимиз ғаллазорларида етиштирилган
мўл ҳосилни ўриб-янчиб олиш муваффақиятли
якунланмоқда

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ

ғалла мустақиллигига эришишини таъминлашга салмоқли улуш қўиш мақсадида астойдил меҳнат қилган вилоятимиз деҳқонлари бу йил 115 минг 742 гектар майдонда ҳар қачонгидан ҳам мўл дон ҳосили етиштирдилар. Бироқ, деҳқонлар орасида «Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб» деган нақл бор. Шу боис мавсумда ўрим-йиғимга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилди. Ғалланинг пишиб етилиш ҳолати, мавжуд техника воситалари ва ишчи кучлари аниқ ҳисобга олиниб, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни кўпи билан 25 иш кунда саранжомлаб олиш ни режаларини ҳолда ўримга киришилди.

Иш бошидан оқилон ва пухта ташкил этилган сабабли ўрим суръати юқори бўлмоқда. Мавжуд 545та дон комбайнлари гуруҳларга бўлиниб, етилган ҳосил пешма-меш йиғиштириб

олинмоқда.

Ўрим-йиғим техникалари қувватидан унумли фойдаланилган Зангиота ва Чиноз туманларида давлатга дон топшириш режалари барвақт удаланди. Тошкент, Оққўрғон, Қибрай туманлари ғаллакорлари ҳам бугун-эрта давлатга дон сотиш шартномасини бажарадилар.

Бугунги кунгача вилоят бўйича 73 минг 200 гектар майдондаги ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга 188 минг тоннадан зиёд сифатли дон етказиб берилиб, бу борадаги шартнома 83 фойздан ошириб адо этилди.

Айни кунларда вилоят ғаллазорларида 380дан зиёд «Енисей» ва «Нива», 100га яқин «Кейс» комбайнлари юксак унум билан ишлаб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган «Бошқоқчи дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш-ни тақомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тў-

рисида»ги қарорига жавобан вилоятда уруғлик учун экилган майдонлардаги ҳосилни сифатли йиғиштириб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биринчи навбатда навнинг эртапишарлиги, ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилиги ҳисобга олинаётди.

Бу йил, асосан, «Унумли», «Санзор-6», «Санзор-8», «Ембош» каби маҳаллий нав бугдойларнинг уруғидан келаси мавсумга кўпроқ тайёрлашга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, 17 минг гектар лалми майдонларга экиш учун 2500 тонна ана шу нав бугдойлардан уруғлик ғамлаб қўйиш режалаштирилмоқда.

Вилоят бўйича 23 хўжаликда уруғлик учун элита ва биринчи репродукцияли ғалла уруғи экилган. Ҳозир Оққўрғон туманидаги С. Сегиббоев номили, «Оққўрғон», Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон», А. Яссавий номили, Янгийўл туманидаги «Низобаш», Зангиота туманидаги «Бўсув» жамоа хўжаликларида уруғлик учун экилган ғалла сифат-

ли ўриб-янчиб олинмоқда.

Келгусида уруғчиликка ихтисослаштирилаётган туман ва хўжаликлар қайта кўриб чиқилади. Чунки, вилоятимиз уч-тўрт хил иқлим шaroитига эга бўлган минтақалардан иборат. Ғалла навлари ҳам шунга яраша танланади. Умуман, вилоят бўйича кўпи билан тўрт-беш хил нав бугдой экишни қатъий қилиб қўйиш мўлжалланмоқда.

Вилоятнинг барча хўжаликларида ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудғорлаб, оралик ва такрорий экинлар экиш тадбирларига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг учун мавжуд хайдов тракторлари ва бошқа экиш агрегатлари тўла қувват билан ишлатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, барча ғалла ҳосилини тез кунларда охиригача йиғиштириб олиш учун мавжуд барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Самад ЙЎЛДОШ.

БУЮРТМА
БАЖАРИЛДИ

ЧИНОЗ тумани ғаллакорлари қабул пунктларига 16 минг 400 тона дон топшириб, давлат буюртмаси юзасидан тузилган шартномани бажардилар.

ШУНИСИ диққатга сазоворки, ўрим-йиғим ишлари пухта режа асосида олиб борилаётгани туфайли давлатга дон сотиш топшириги 22 иш кунда яъни утган мавсумдагига нисбатан 15 кун барвақт адо этилди. Бутун мавсум давомида 31та дон комбайни юксак унум билан ишлатилди. Олтига «Кейс» комбайнида 2600 гектар, 25та «Енисей» ва «Нива» комбайнларида 2900 гектар майдондаги ғалла ўриб-янчиб олинди.

А. Темур номили, Т. Охунова номили, Навоий номили, «Дустанк» жамоа хўжаликлари туманининг умумий ғалла хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Қолган 850 гектар майдондаги ҳосилни ҳам узоғи билан 4 иш кунда саранжомлаб олиш учун ўрим-йиғим жадал давом эттирилмоқда. Ғалладан бўшаган майдонлар кетма-кет ҳайдалиб, оралиқ экинлар жойлаштирилмоқда. Орзиқул МАЪМУРОВ.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ДЕПУТАТ СУХБАТЛАРИ

ШУ кунларда Юқоричирчиқ тумани соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутаты Ҳайдар Бобоҳонов жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Бундай мулоқотлар чоғида у ўз фаолияти ҳақида тўхталиш билан бирга, яқинда Жанубий Кореяга қилган сафари чоғида олган таассуротлари хусусида ҳам иштирокчиларга гапириб бермоқда.

Хусусан, бош шифокорнинг бу мамлакатда тиббиёт муассасалари ходимлари ҳар кунини нонга саф тортиб, иш

бошлаларидан олдин ўз давлатлари мадҳиясини айтишлари, шифокорлар бир хил, ҳамширалар ҳам яна бошқа бир хил либосларда бўлишлари, ўзаро ширинсуханлик муносабатлари, ташхис ҳамда муолажалардаги тезкорлик жараёни-ларига оид сўзлари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Саид АҲМЕДОВ.

ШАРТНОМА ИШГА
ТУШДИ

ТОШКЕНТ шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси Тошкент вилоятидаги туркум саноат корхоналари билан шартномалар тузди.

Шу ҳужжат асосида Бекобод металлургия комбинати арматура пўлатлари етказиб берса, Чирчиқ трансформаторчилари корхонани энергетика асбоб-ускуналари билан таъминлайдилар. Ангрендаги резина-техника заводи, Янгийўлдаги «Нормал» корхонаси буюртмалар-

ни адо этишга киришди. Шунингдек, Олмалик, Охангарон шаҳарлари саноатчилари ҳам транспортчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Улар етказиб берадиган маҳсулотларнинг аксарияти янги трамвай ва троллейбус йўллари кўриш учун ишлатилади.

Алимжон АҚБАРОВ.

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА

ШУ КУНЛАРДА мактабларда раҳбарлар, жонқуяр ўқитувчилар бинолар, синфларни ўқув йилига тахт қилиб қўйишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Хусусан, Чиноз туманидаги Алишер Навоий номили 29-урта мактаб жамоаси хашар йўли билан ўз зиёноналарини тўрт кунда таъмирлаб қўйишди.

Бу ишда уларга Навоий, Турсуной Охунова номили жамоа хўжалик-

лари, «Юлдуз» хусусий қорвачилик, Амир Темур номили фермер хўжаликлари ҳомийлик қилишди. Матлуба Шерғоиева, Наргиза Юсупова, Юлдуз Араббоева сингари муаллимларнинг ана шу борадаги меҳнатлари алоҳида таъкидланди.

Маъмура НОСИРОВА.

КАТТА ҲАЁТ
ОСТОНАСИДА

ҲАҒТА бошида Янгийўл шаҳрини ёш авлоднинг шўх-шодон кулгулари тутиб кетди. Шаҳардаги мактаблар биттурувчиларининг анъанавий ёшлик сайли — хайрлашув оқшоми катта хурсандчилик билан бошланди.

Шу куни мактабни аъло баҳоларда тугатган 17 нафар ўқувчи фахрий ёриқлар ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Биттурувчиларни Янгийўл шаҳар ёғ-мой ҳиссдорлик жамияти раиси, Олий Мажлис депутати Муҳаммаджон Худоев, шаҳар

ҳокими Шухрат Қорабоев самимий табриқладилар. Шаҳар марказий маданият уйининг «Шодлик» ва «Ёшлик» ашула ва рақс дасталари, хушовоз хонанда Анавар Ғаниев янги қўшиқлар билан ёшлар қалбини ҳушуд этдилар.

Комила ТЕМИРОВА.

«ЖАНОБ МИРЗО»
ОҚҚЎРҒОНДА

ОҚҚЎРҒОН тумани маданият бўлими меҳнаткашлар, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш мақсадида санъат усталарининг концертларини ташкил этишга катта эътибор бермоқда.

Яқинда туманининг марказий маданият саройида эл ардоғидаги санъаткор — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек Холмедов раҳбарлигидаги «Жаноб Мирзо» театри оққўрғонликлар меҳмони бўлишди. Сўз усталари М. Холмедов, Ш. Исроиллов, М. Шамшиевнинг ичкакузди латифа, хангомалари барчага манзур бўлди. Болалар эса

Мирзабек Холмедов ижросидаги «Жон Болам» қўшиғига жўр бўлишиб, рақсга тушдилар. Санъаткорлар билан бўлган жонли мулоқот, савол-жавоблар томошабинларга янада ҳузур бағишлади.

Туман маданият бўлими раҳбарияти ҳар ойда икки марта халқ севган санъаткорлар билан шундай учрашувлар ўтказишни режалаштирди.

Алишер НАЗАРОВ.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар



МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришгандан кейин унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида босқичма-босқич катта ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бундай ислохотлар самараларини мамлакатимизнинг ҳамма соҳаларида кўриш мумкин. Айни пайтда истиқлол бир асрдан зиёд давр давомида мустамлакачиликни бошидан кечирган ўлкамиз тарихини ҳам қайта яратишни тақозо этарди. Чунки, маънавиятимиз, қадриятимиз топталган, турмушимиздаги ҳақиқат борица ўз ифодасини топмаган бўлганда Ватанимиз тарихи мустақил тузум талабига мос ҳолда шакллана бошарди. Ўтган йилнинг 26 июнида ҳаётимизда катта воқеа рўй берди. Бир гуруҳ тарихчи олимлар, иходкор зиёлилар вакиллари Президентимиз тўплаб, дилдан суҳбатлашдилар. Гап тарихнинг халқимиз маънавий

такомилдаги ўрни, бугунги ва келажак авлоднинг маънавий бойлигидаги аҳамияти ҳақида борди. Мулоқот чоғида йиғилганлар эътибори мазкур фан тадқиқотлари соҳасида дадиллик, ҳолислик, бугунги мафкурамизга мувофиқлик етишмаётганига, халқимиз ва унинг давлатчилиги тарихини яратиш учун яхлит услубий асос — концепция йўқлигига қаратилди. Даврада Юртбошимиз қайд этган: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Одамзод борки, авлод-аждоди, Ватанининг тарихини билишни истайди», «Инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демасди» каби қатор фикрлар ижтимоий, фалсафий маъноси, моҳияти билан суҳбатга янги раҳл руҳ бахш этган эди. Учрашувдан кўп ўтмай, Республика Вазирилар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институ-

тининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Унда тарихчи олимларимизнинг бош вазифаси аниқ белгилаб берилди. Бу муҳим ҳужжатга кўра Тарих институти Республика миқёсидаги тарих тадқиқотларини мувофиқлаштирувчи бош илмий муассаса мақоми олдиди. Унинг таркибий

режа асосида кенг кўламли ишлар олиб бориладими. Айни пайтда қадимшуно олимларимиз томонидан топишган, қуйи палеолитдан сўнгги ўрта асрларга дахлдор миллион йиллик тарихимиздан дарак берувчи моддий ёдгорликларнинг ижтимоий, маданий, тарихий жараёнини умум-

рини ўрганиш бугунги кунда мутлақо янги ҳаёт шаклига эришган бўлади. Бунинг учун институтида етарли илмий кадрлар салоҳияти мавжуд. Шунинг айтиш кераки, собиқ Иттифок даврида Ўзбекистон тарихини ёритишнинг ҳам ўзига хос назарий-услувий йўқлиги мавжуд бўлган. Бу ўзидан совет даврини

шуғулланишмоқда. Уларнинг вазифалари истиқлол йиллари ичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий даврларнинг тарихий-назарий асослаш ва ёритишдан иборатдир. Маълумки, кўп йиллар давомида олиб берилган тадқиқотларга қарамай, тарихшунослик борасидаги изланишларда узоқ ўтмишимизнинг

Шу кунларда Тарих институти тадқиқотларини мувофиқлаштирувчи бош илмий муассаса сифатида иш юргиза бошлади. Кўплаб илмий муассасаларнинг етакчи олимлари ҳамкорлигида Республикада тарих тадқиқотлари давлат илмий-техникавий дастури ишлаб чиқилди. У Давлат фан ва техника қўмитаси томонидан тасдиқланиб, 9та асосий йўналиш бўйича 50тага яқин илмий мавзулар юзасидан тадқиқотлар олиб бориш учун маблағ ажратилди.

Шу йилнинг олти ойи мобайнидаги ҳисоботлар таҳлиliga кўра, Республикада тарих тадқиқотлари ўзбек халқи ва унинг ўзининг йиллик давлатчилиги тарихини яхлит бир бутун жараён сифатида ёритишдек ягона гоа ва асосий мақсад атрофида 13 илмий муассаса ҳамда олий ўқув юртилари кафедралари бирлаша бошлаган. Ўтган йил ичида Президентимизнинг тарихчиларга нисбатан билдирилган жиддий ва ўринли эътирозлари асосида тадқиқотларнинг ягона тизими яратилиб ва «Ўзбекистон тарихи» журналининг биринчи сонида лойиҳа сифатида чоп этилди. У муҳокамадан ўтиб тасдиқланган, илмий муассасаларга тарқатилиб,

қатор таклифлар олинди. Ишлаб чиқилган йўналишнинг асосий мақсади ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ҳолисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантиришга, ҳаққоний тарихини яратишга қаратилгандир.

Шуни ҳам айтиш кераки, Ўрта Осиё ва Марказий Осиё минтақаси қадим-қадимлардаёқ маълум дунёнинг асосий чорраҳаси бўлган. Ўзбекистоннинг жанубидаги бронза аср ёдгорликларидан қолган сопол ва металл буюмларининг шарқий Туркистондан, Афғонистондан, узоқ Урал тоғи жанубидаги Аркаим ёдгорликларидан топилигани бунга далил сифатида кўрсатиш мумкин. Бу нафақат савдо, иқтисодий, балки, этник алоқаларга ҳам ишорат бўлса, ажаб эмас. Мана шунинг ўзи Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келаётган халқларнинг этник, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий муштараклигидан далолат беради.

Мирсодиқ ИСОҚОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Фанлар
Академияси Тарих
институтининг
директори, тарих
фанлари доктори.

ТАРИХ ВА ҲАҚИҚАТ

тузилмаси тубдан янгиланди. Ҳозирги пайтда институтида «Қадимги ва ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги», «Моддий маданият тарихи» бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга асосан олимлар энг қадимги ва исломий даврлар (ўрта аср) манбаъшунослиги масалаларига жиддий эътибор қаратишмоқда. Жумладан «Авесто» китоби қисмларининг илмий-иқтисодий тарҳмалари чоп этилмоқда. Ўрта аср арабийнавис манбаларини ўрганиш бўйича ҳам VIII-XIX асрларни қамраб олувчи илмий

лаштиришдек катта вазифа ҳам тарихчи олимларимиз зиммасидадир. Мулоқот пайтида Президентимиз ўзбек халқининг келиб чиқишини илмий жиҳатдан асослаш лозимлигига алоҳида аҳамият берган эдилар. Бу масала қарорда ҳам ўз аксини топди. Айни пайтда институтида махсус бўлим ташкил этилиб, энг малакали кадрлар тарихий-этнографик ва этнологик илмий изланишлар билан шуғуллана бошладилар. Ватанимиз тарихини яратишда чор Россияси ва советлар даври мустамлакачилиги босқичла-

қора саҳифалар сифатида инкор этиш руҳидан йироқ эди. Бу даврда тараққиётнинг баъзи ҳолис қонуниятлари асосида айрим «ижобий силжишлар»га ҳам эришилган. Лекин, бу силжишлар остида қанчалик иқтисодий найранглар, сиёсий таъйиқлар, маънавий зиёнлар ётибди. Мазкур жараёнларни ҳолис тадқиқ этиш учун институтида «Мустамлака даври» бўлими ишлаб турибди.

Илмий муассасамизда мустақиллик йиллари тарихини яратиш билан алоҳида бўлим олимлари

барча босқичлари тартибли равишда қайд этилган эди. Улар асосан XIX аср охирилари ва XX аср билан чекланганди. Олимлар бу масалага ҳам алоҳида эътибор берди. Эндиликда «Тарихшунослик ва илмий ахборот» бўлими илк мутараққиёт даври, илк давлатчилиги тарихи тарихшунослиги, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар тарихининг соломаси, маданий-маънавий тарихий жараёнлар тарихшунослиги билан боғлиқ ахборотларни тўлашдек муҳим вазифаларни амалга оширмоқда.

Акс-садо

ХАВФ-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.
Юртимизга таҳлика солиши мумкин бўлган мана шу икки омил ҳақи-

да чуқур фикр-мулоҳаза юртган одам ўзини қийнаётган кўп-кўп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озми-кўпми хабардор юртдошларимиз буларнинг қандай кучлар эканлигини, уларнинг сиёсий башарасини, ғаразлик мақсадларини яхши билади.

Ислом КАРИМОВ.

ХУЛОСА ЧИҚАРАЙЛИК

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавобларини кўп билан ўқиб чиқдим. «Хўшёрликка даъват» сарлавҳаси остида берилган суҳбатда кўтарилган мавзулар Юртбошимизнинг илгарики қатор китобларида, турли анжуманлардаги нутқларида бир неча бор айтилишига қарамай, улар ўта долзарблиги билан киши эътиборини тортади.

Ростдан ҳам оқсоиш-та ҳаёт тарзи мавжуд бўлган республикамизда айни пайтда мустақиллик ютуқларини кўролмайдиган разил кучлар борлигини, юртимиз хавф ва таҳдидлардан ҳоли эмаслигини мамлакатимиз раҳбари тақдор ва тақдор айтган эди. Ҳар биримиз нега бундан хулоса чиқармадик, огоҳ бўлмадик? Пешонамиз бир

жойга тақ этиб теккандан кейингина, кўзимиз очилди. Муҳбирнинг саволларига жавоб берар экан, Президент ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигига даъват этаётгани бежиз эмас. 16 февраль воқеаларининг иштирокчилари асосан ёшлар эди.

Эндиликда улар тарбиясини давр талабига мос равишда олиб бориш учун

мазкур суҳбатда таъкидланганидек, барча имкониятлар бор. Оила, боғча, мактаб, жамоатчи ташкилотлар — «Қамолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари бу ишга жалб этилган. Аммо, хусусан, менга амалга оширилган ишлар ҳали талаб даражасида эмасдек туйилди. Зеро, ёшлар орасида истиқлол самараларини тарғиб қилиш, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш борасида ишлар суст борапти. Жойларда ўтказилаётган суҳбатларимиз кўпинча юзаки бўлиб қолмоқда. Уларда мустақиллик маз-

мун-моҳиятини очиб берадиган, ўғил-қизларимизни Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган сўз қудратини ошириш лозим. Шу боис, Президент жавобларида жойларда маърифий тарғибот кенгашларини тузиш, мактаблар, лицейлар ва коллежларда маънавий масалалари билан шуғулланганидан мутасадди мутахассислар лавозимларини жойи этиш, тарбия билан боғлиқ тўғрақлар тузиш тўғрисидаги вазифалар аниқ белгилаб берилганлиги жуда-жуда муҳимдир.

Олтинбек СЕРИКБОВ,
Паркент туманидаги
«Чанги» жамоа
хўжалиги бошқаруви
аъзоси.

ПОК ТУПРОҒИМИЗДАН НАРИ ҚИЛСИН

АЛЛОҲГА беадад шукрлар бўлсинки, мендек оқиз бандасига узоқ умр, кенг феъл ато этган экан. Қарийб 85 йиллик умримда не-не ташвишу шўришларни бошидан кечирмадим. Уруш даҳшатларини ўз кўзим билан кўрдим, бир эмас, ўн мартаб нақд ажалнинг озгига рўпара бўлдим. Қуршовага тушиб, асрликда қолдим. Саводсизлик курсин, нималар бўлаётганини тушунамай, асрлик азобини Сибирнинг адоғи йўқ ўрмонларидаги сургунда давом эттирдим.

Худо асраса, ҳеч гап эмас экан. Ҳамма азоб-уқубатлар ортда қолди. Юртимга соғ-омон қайтиб, серфарзанд, сердават бўлдим. Фарзандларимнинг ардоғида умримни яшаб, ошимни ошаб юрибман. Лекин қарилмакка буй берганим йўқ ҳа-

ли. Аллоҳ — дилимда, кўлим — меҳнатда. Беш вақт намазимни қанда қилмай, қўшлогимизнинг қабристонини обод қилиб юрибман. Бир томони — савоб, қолаверса, ҳар бир банданинг борадиган сўнгги манзили шу. Кишининг бу дунёю у дунёси обод бўлганига не

етсин. Бу гапларни айтишимга айрим ақидапарастларнинг динимизни ниқоб қилиб озолигимизга, тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлганликлари сабаб бўлди. Президентимизнинг ЎЗА муҳбири саволларига берган жавобларини газетада ёзишган экан, ўғилларим ўқиб беришди.

Юртбошимиз ҳақ гапларни айтибдилар. Ота-боболаримиздан қолган гап бор: пул ҳам, амал ҳам — кўннинг кири, бугун — бор, эртага — йўқ. Иймон-этиқод эса олтин каби қийматли. У айнамайди, инсонни

ҳам айнитмайди. Амалпарастлик эса ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Амалпараст зоти борки, охир-оқибат бадном бўлган, эл назаридан қолган. Хориждаги қорчалонлар ташлаётган суякка дум лиқиллатиш, ялоқ-хўрга айланиш нафақат муслмон банд, балки, олдий инсонга ҳам катта инсонд. Бундайлардан Яратганининг ўзи асрасин, уларнинг нопок қадамларини Ўзбекистонимизнинг пок тупроғидан нари қилсин, иншоаллоҳ!

А. РАҲИМОВ,
Зангиота тумани
Хонобод қишлоғи,
уруш ва меҳнат
фахрийси.

НАФРАТИМИЗ ЧЕКСИЗ

ИНСОН — улуг зот. У умр кечирар экан, қатор ишрини орзуларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ойла кўриш, фарзандлар тарбиялаш, уларнинг қамоллини кўришини ўзи бир бахт.

ОЙНАИ жаҳонда Ўзбекистон Олий Судида бўлган суд жараёни ҳақидаги фильмни кўриб, ўз халқига, Ватанига қўл қўтарганлар бу буюк неъматнинг тўтини қайдан билсинлар, деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Ватанфуд-

руш, пасткаш зотларнинг ногорасига уйнаган террорчи мальунларга нисбатан қазабим бениҳоя ошиб кетди. Ростдан ҳам қайси дини қайси этиқодга тўғри келади бу ёвузлик?! Ниятлари бузғунчиликдан, кўпуровчиликдан ибод-

рат бўлган, қайсидир худудларда изғиб юрган бу кимсалар мунофиқлар оқуридан ем ёб, ҳурриятни, озолиқни топмамоқчи бўладилар. Қора кўнлар сафида юрган разиллар ҳукуматга қарши ҳаракатларда иштирок этиб, тинчликсевар халқимиз бошига мусибатлар ёғдирмоқчи бўлдилар. Шунинг айтиш кераки, ўзбек халқи ўз тақдирига бе-

фарқ қарамайди. Уни иқтилофга тортувчилар бунинг қилиб қўйсинлар. Биз барқарор тинчликка интилаётган ана шу халқ — яқдилмиз ва тинчлик сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Қонхўр муртадаларга нисбатан эса нафратимиз чексиздир.

Эрмат УСМОНОВ,
Ўртачирчиқ
туманидаги «Усмон»
хусусий фермер
хўжалиги раҳбари.

«КОНМИТ» ТАҚДИМ ЭТАДИ



БЎСТОНЛИҚДАГИ Ўзбекистон — Англия «Конмит» кўшма корхонаси жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида кўтаринки руҳ билан ишламоқда. Бу ерда илғор технология асосида тайёрланган турли-туман сифатли маҳсулотлар кўплаб шаҳар-қишлоқларга етказиб берилляпти. Ушбу суратларда корхонанинг илғор ишчиларидан оператор Ғўзал Батирова (чапда) ва ҳамир қорувчи Галина Сочноваларни кўриб турибсиз.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Маънавият АМАЛИЙ ИШ ДАВРИ

Республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида катта ишлар олиб борилаётган ҳозирги пайтда маънавият билан иқтисодиётни бир-бирдан ажратиш асло мумкин эмас. Зеро, Президентимиз иқтисодиётни маънавиятдан, маънавиятни иқтисодиётдан ус-тун қўймоқчи бўлганда чуқур янгилашадилар, деганларда ҳақ эдилар.

Мен ўзим санат корхонасида ишлаётганлигим учун ҳам раҳбарлар ва ишчиларнинг бугунги кунимизга, истиқлолимизга бўлган муносабатларини, ўй ва кечинмаларини чуқур таҳлил қилиб бораман.

Цех ва бўлимларда ишчилар билан бугунги ҳаётимиз, эртанги кунимиз истиқболлари тўғрисида кўпроқ суҳбатлашамиз. Ёшларда мустақиллик маънавияти аста-секин шаклланимоқда.

Менимча ҳар бир ишга киришишдан олдин одамда маънавий етуқлик бўлиши, эътиқод, эҳтиёж, ҳоши қучли бўлиши лозим. Шуниси эътиборлики, комбинатимизда ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши билан бирга ишчиларда комбинатга меҳр-муҳаббат ҳам ортди. Цементчилар шаҳарчаси худудида катта ободончилик ишлари амалга оширилди.

Маълумки, 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинди. Комбинатимизда аёлларга эътибор таъминлашга ўзгача. Яқинда маъмурият томонидан комбинатдаги ишчи аёлларнинг меҳнатини енгиллаштиришга оид зарур тадбирлар ишлаб чиқилди ва унинг амалий натижаси таъминланмоқда.

Назаримда, ёшлар онгига маънавий-маърифий ўғитларни чуқурроқ синдириш керак. Улар газета ва журналларни кам ўқишади. Истардимки, матбуот обонуси умумхалқ ишига айлانسин. Ҳамма нарсга ўқиш-ўрганишдан бошланади. Маънавият жамғармаларини ташкил этиш лозим деб ўйлаймиз. Жойлардаги маънавий-маърифий ишлар номигагина йўлга қўйилмасдан, кўпроқ амалий ишлар қилилайлик.

Мархабо УСМОНОВА,
«Бекбодцент» ҳиссадорлик
жамиятининг «Маънавият ва маърифат»
маркази ташкилотчиси.

Тадбиркорлик — иқтисодиётимиз келажаси

НАМУНА ФИРМА

ТУМАН «Ташаббус-98» танловида қатнашиш учун самарали фаолият кўрсатаётган ун нафари тадбиркорлик тузилмалари саралаб олинди. Улар орасида «Дилноза» ишлаб чиқариш-савдо фирмаси ҳам бор эди.

Бу унинг раҳбари Шахло Эргашхўжаева учун кўтилмаган ҳол бўлди. Ҳар ҳолда туманда кўп жиҳатдан бақувват, бозор иқтисодиёти шароитларида ҳам қўқилмай ишлаётган, режаларини муваффақиятли бажараётган тизимлар кўп эди.

Бу фирма ва унинг соҳибаси учун билдирилган катта ишонч бўлиб, унинг оқлаш, танлов баҳсида бўш келмаслик керак эди. Тадбиркор беллашувга пухта ҳозирлик қўрди. Танлов ўтказилаётган ҳашаматли бинода уюштирилган кўргазмага фирма ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан намуналар кўйилди. Улар асосан аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун асқотадиган озиқ-овқатлар — нон ва сут маҳсулотлари, ширинликлар, ун, селкун ичимликлар бўлиб танлов ҳайъати аъзоларида яхши таассурот қолдирди.

Тадбиркор фирманинг тақдиротини ҳам яхши ўтказди, назарий билимлари ҳам пухта эканлигини намойиш этди. Натижада, ҳайъат аъзоларининг юкори баҳосини олди ва тадбиркорлар танлови ғолиби деган номига сазовор бўлди. Унга қимматли муқофот ва туман ҳокимлиги ҳама туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг фохрий ёрликлари берилди.

Паркент тумани бўйича ўтказилган «Ташаббус-98» кўрик-танлови ғолиби бўлган фирмада ҳозир нон ва нон маҳсулотларининг 8 тури ёпилмоқда. Кейинчалик унинг ёнига қандолатчилик цехи қўшилди.

Фирмада иш ўринлари ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда уларнинг сафида 40 нафарга яқин ишчи бор.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

ҲОЗИРЧА ЯГОНА

ЁШЛАРДА компьютер савдохонлигини ошириш йўлида қўрилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Чирчиқ шаҳрида янги очилган компьютер клуби ҳам бундай хайрли иш билан яқиндан шуғуллана бошлади.

Шахсий компьютер қурилмалари учун дастурлар тайёрлашга ихтисослаштирилган хусусий фирма ҳодимлари ташаббуси билан ташкил топанг бу клуб Чирчиқ шаҳрида ҳозирча ягонадир. У ўқувчи ёшлар учун эшитгани кенг очди. Улар бу ерда «ақли» машиналарни бошқаришнинг сирларини ўрганишмоқда. Шунингдек, турли қизиқарли компьютер ўйинлари ҳам уюштирилмоқда.

Клубни зарур техник жиҳозлар билан таъминлашда Тошкент шаҳридаги «Юксалиш» компанияси яқиндан ёрдам кўрсатди. Бу компания клубда уюштирилган турли техникавий тадбирларга ҳам ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олди.

Ақбар АЛИЕВ.

БАЪЗАН ишдан чарчаб, бир хилликдан зериккан пайларимда Назарбекадаги табиатларимиз ҳузурга чиқиб бораман. Бу ерда бундан 20-25 йил аввал Тошкентнинг Бешайрағоч мавзесидан кўчиб келиб, уйли-жойли бўлган деҳқонлар яшаганди. Ота-боболари ҳам кетмон чоған, экин эккан. Қолхозлаштириш даври азоб-қувбатларини тотиб кўрганларнинг фарзандлари улар.

Ёз бошланиш кунларининг бирида қишлоқнинг сокин кўчасидан бораётганим, рўпарамдан Комил ака чиқиб қолди. Чехраси тўла табассум.

— Эй, укажон, — дедилар у киши мен томон қўчоқ очиб, — суюнчи беринг, ўғилча армиядан келди.

— У-у, зўр бўпти-ку, табриклайман, — Комил ака билан кучоқлашиб кўришдим.

Ховлига кириб, йўлакдаги ўриндиқча чўқдик. Танишимнинг аёллари Саида опа югуриб-олиб дастурхон ёзди, боласи эсон-омон қайтганидан беҳад қувонаётганлиги, бу юртимиздаги тинчлик шарофати эканлигини айтиб, ташқи ҳовли томон кетди.

Чой ҳўллаб, атрофга разм солдим: иссиқонада помидор фарқ пишган. Ховли саҳнидаги ишқомда узумларнинг шигил шўраси, атақда эса гилос қизарган. Комил аканинг ўз ҳаётидан мамнулиги билиниб турарди.

— Худога шукр, — деди у. — Нолийдиган жойимиз йўқ. Бировдан олдин, бировдан кейин яшаб юрибмиз. Меҳнат қилган одам ҳам бўлмайди, ҳозир.

Балки мавзунинг бир жиҳати бўлмаганди у киши ҳақида ёзиб ўтиришнинг ҳожа-ти бўлмасди. Зеро, у кабилар ҳамма

«Энг азииз, энг улўғ» танловига

БЕҒУБОР ОСМОН

жойда топилади. Гап шундаки, К. Ҳакимов баъзиларга ўхшаб ўзини бозор-у, олди-сотида урмади. Бахтини фақат она-ердан топди. Оиласининг ризқ-насибасини шу ердан деб билди. Бўлмаса олти боласи бор. «Отчопар» бозори бир қадам. Битта автобусга тушса етиб боради. У ердаги молни бу ерга олиб бориб пулласи фалон сўм фойда қилиши мумкин. Йўқ, у бу ишга журъат етолмади. Мана бир неча йилдирки, Зангиотанинг «Иттифок» жамоа ҳўжалигида деҳқончилик қилиб келмоқда.

Ҳўжалик ерлари текис эмас. Қайси экинчи қаерга экинни билиш керак. Табиийки, суюнчи ҳам шунга яраша бўлади. Лекин бирон йили йўқки, бизнинг танишимиз мўлжалдаги сабзавот ёки картошка ҳосилини ололмаган бўлса. Аксинча, режасини ошириб баҳариб, кеч қузда лавлаги, турупушолғонни киш ва эрта баҳорда сотишга саклаб қўяди. Шунинг орқасидан тўрт кизини узатди. Бешик, ўғил тўйлари қилди.

У ҳозир яшаётган кўча бир пайлар бийдай дала эди. Қийинчиликлардан қўрқмади, участка оламан, деб пулла бокди. Қаддини дол қилиб, бог-боғ тўт бағри ташиди. Мана энди уйли-жойли бўлди.

Йиллар учур экан. Ана шу хонадон соҳибининг ўғли ихчамгина, мовий кўз ўт-

киржон ҳам ҳарбийга қақирилди. Комил ака баъзиларга ўхшаб ёлғиз ўғлимни армиядан олиб қолишим керак, деб ўйламади. — Бориб келсин, — деди қатъий, — мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайди.

Шундай қилиб, беш қиз орасида ягона ўғилни Бухорога хизматга қузатди. Ота отада, баъзан соғиниб-соғиниб қўярди. Уйдан дуои салом ёзарди. Кўчасидаги, қишлоғидаги ўзгаришларни маълум қиларди. Бир-икки бориб ҳам келди. Кўнгли хотиржам бўлди.

Биз қаламқашлар баъзан «Бахтини ўз меҳнати билан яратяпти», «Фидокорона меҳнат қилади» ёки «хаёт гаштини суяпти» каби бирорларни ишлатасан эҳтимол айрим-айлар бундан баландпарвозликка йўрлар. Аслида ҳам бахтли яшамоннинг қалити меҳнатда эканлигини биз номини қайд этаётган киши мисолида ҳам қўриш мумкин. Комил ака ўз ҳаёт фалсафасига эга. Баъзан «Э, яшашни ҳам билиш керак» деганида жон бор. Унинг тушунишича, бу, тўр тўпи ишлаш ва шу билан бирга имкон топиб дам олиш ҳам керак дегани. Шунинг учун ҳар йил баҳор ва ёз фаслларида ўзига ўхшаш деҳқон улфатлари билан 1-2 кунлик озик-овқат олиб тоғу-дарё бўйларига чиқиб кетади. Улфатлар балиқ овлашади, тўр

судраб бедана тутишади, чайлада ўтириб олиб, ликопча тутганча, катта ашулаларни баралла айтишади. Бир чеккадаги ёручқа ўрнатилган қозонда эса билкиллаб шўрва қайнайди.

Иккинчи кун бизнинг қаҳрамонимиз эрика бошлайди. «Кун исиб кетди, экинчи суюнчи керак, — дейди қаҳрамонларига, — ахир мард бўлиб экишга шунча ер олдимки, охиригача мард бўлиш керакда». Албатта, бугдойранг юзлари офтобда қорайган аёли-ю, болаларини соғинганини айта олмади.

Қайтишгандан сўнг юртимиз қанчалик бепоёнлиги, лекин барибир ҳаммасидан ҳам ўз қишлоғи қадрдонлиги ҳақида танишларига гапириб беради. Ана энди айтилган, оддий деҳқоннинг ҳаёти, юртни шундай ардоқлаши, севиши ҳар қандай баландпарвоз гаплардан юқори эмасми?

Ён-атрофимизда бизнинг танишимиз кабилар кўп, лекин, Комил ака битта.

...Анча сўхбатлашганимиздан кейин келинонимиз бир ликопчада май гилоси, бошқасида марвариддек балх тутини дастурхонга келтириб қўйдилар. Бироздан сўнг ўғиллари ўткиржон кўринди. Кўчоқ очиб саломлашди. Алпоқмат йигит бўлибди. Бўйи ҳам ўсгандек, биллак томирлари бўртиб чиққан.

Биз дастурхон атрофида осмонимиз беғуборлиги-ю, ҳаётимиз тинчлиги учун шукроналар айтдик.

— Эртага ош бераймиз, — деди Комил ака. — Ўғлимиз келгани шарафига. Таниш-билишларни айтинг, албатта, келишин.

Хурсанд бўлиб хайрлашдик.

Абдусаттор ХОТАМОВ.

РАЙҲОНЛАРНИНГ БЎЙИ УФУРСИН

Капра

ЁЗ КЕЛДИ. Ёз фасли билан қўшилиб қалбга ўчмас из солган хотиралар ҳам келди. Ҳар гал июлнинг илк кунларини юрагимда ларзалар билан қарши оламан. Негаки, ўша унутилмас кунда сиз, отажоним, бу ёрўғ оламдан дорилбақога кетдингиз. Сиз ҳақингиздаги ўйлар мени бир зум бўлса-да, тарқатмайди. Сиздек инсонлар тутиб туради дунёни ас-лида.

Тонг бутун нафосатини атрофга ёйиб, жилва қилган чоғ, қуёш бошимиз узра порлоқ нуруни сочганда негадир уларнинг ҳар иккисини Сиз билан Онали-зоримга қўйсламан. Сиздаги соф кўнглини, меҳр-муҳаббат уммонини, айнаи дамда, камтар ва ҳоқир-сорликни бирор-бир нарсасга менгзаб бўлармиди?! Ҳар соҳада бизга — саккиз фарзандингизга ҳамкор-у, ҳамфикр эдингиз.

Отажон! Панд-насиҳатларингиз бизни улғайтирди, тарбияларингиз вояга етказди. Саккиз фарзандингиз барини олий маълумотли қилдингиз. Бахт, соадатни илмда деб билдингиз. Шунча фарзанд тарбияси, ташвиши Сизнинг қаддингизни буқолмаса-да, меҳнат ва заҳматлар нури юзингизга ўз изини солиб улгурганиди. Энг ёмони, жамиятга фойдамиз тегиб, камолимиздан қувониб юрган дамларда бизни армон доғига ташлаб кетдингиз.

Отажон! Биз Сизни жуда яхши кўрардик, саккиз фарзанд полапон мисол бағрингизга талинардик. Бу ҳис-туйғунинг кучлилигини Сиздан айрилгандан сўнг янада аниқроқ сездик. Оллоҳга беадад шукр, онаизоримиз — Масъуда ая парвонамиз бор. Яқинда уларнинг табаррук 75-ёшларини нишонладик. Ховли ўғил-қиз, набиралар билан тўлди. Биргина Сизнинг ўрнингиз бўш. Афсуски, уни ҳеч ким ва ҳеч нарсаси билан тўлдириб бўлмайди. Онажонимизга боқиб, сўзларини тинглаб кўнгли сал ором олади. Сизни кўргандек бўламиз. Гоҳида юз-кўзлари маъ-юс тортиб, хаёллар оғушида ўйчан қолганларида дийдорнинг олдида ожиз, имконсиз эканлигимиздан қунонамиз.

Отажон, Сиз райҳон экинни, умуман унинг ҳидини яхши кўрардингиз. «Райҳондан жаннатнинг иси келади» дердингиз. Шунданми, ҳар биримизнинг хонадонимиздан райҳон аримайди. Илоийм, Сизга равза болғарида райҳонлар муаттар ис таратишсин.

Бугун биз — фарзандларингиз улғайиб, ўз фарзандларимиз қувонч-ташвишида яшар эканмиз, кенг юрак, саховатли қалб эгасилигингиздан фахрланиш ҳисларини туюмиз. Ота-она олдидаги фарзандлик бурчимиз сергак тортиради бизни.

Яна ёз келди. Бу йили 80-баҳорни қаршилаган бўлардингиз. Фарзандларимиз табиатида Сизга хос бўлган фазилатларни кўра эканмиз, бошимиз осмонга етади. Тилагим, муқаддас руҳи-покингиз бизга мадад бўлсин, бу дунёда қўллаб турсин.

Муқаддас БОНУ.

ИБРАТНОМА

ЗУККО АЁЛ

(«Одоблар дурдонаси» китобидан)

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳикоя қилади:

«Мен Аллоҳнинг муборак уйи Байтуллоҳга ҳаж қилиш ва пайгамбаримиз (с. а. в.) қабрларини зиёрат этиш учун йўлга чиқдим. Кетаётган йўлда қора бир шарпага дуч келдим. Чамалаб билдимки, жундан тикилган қўйлақ кийган ва рўмол ёпинган бир кампир экан.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокотух, — деб салом бердим.

— Меҳрибон Парвардигор томонидан салом айтилур, — деб алик олди у.

— Аллоҳ сенга раҳм этсин, бу ерда нима қиласан? — деб сўрадим.

Кампир:

— «Аллоҳ адаштирган бандани ҳидоят йўлига солувчи йўқ», — деб тиловат қилди. Унинг сўзидан йўлдан адашганини англадим. Кейин:

— Қаерга кетяпсан? — деб савол қилдим.

— «Бир кечада бандасини Масжидул Ҳарамдан Масжидул Ақсога сайр қилдирган зот покдир», — деб жавоб берди у. Билдимки, у ҳаж ибодатини адо этиб Байтул Макдисида кетаётган экан. Сўнгра бу ерда қачондан бери турганини сўрадим.

— «Уч кеча-кундуз», — деди. Нима еб-ичаётганини сўраганимда:

— «Мени едириб-ичирадиган унинг ўзи», — деб жавоб қилди.

— Қандай таҳорат қиласан? — деб сўрадим кейин.

— «Сув топа олмасаларингиз пок тупроққа таяммум қилинглар», — деди у.

— Менинг овқатим бор, ейсанми? — дедим.

— «Рўзани кечқурунча бенуқсон тутишлар», — деди.

— Бу рамазон ойи эмас-ку?!

— «Ким яхшиликни ихтиёр қилса, Аллоҳ шукр қилгувчи ва билгувчидир».

— Сафарда бизга рўза тутмасликка руҳсат этилган-ку?!

— «Рўза тутишингиз, агар билсаларингиз, ўзларингизга ахшидир».

— Нима учун мен гапиргандек гапирмаяпсан? — десам:

— «У бирон сўзни талаффуз қилмас, агар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта) у сўзини ёзиб олур», — деди.

Мен савол беришда давом этдим:

— Сен кимсан ўзи?

— «Эй инсон!» ўзинг аниқ билмаган нарсасга эришма! Чўнқи қулоқ, кўз, дил — буларнинг барчаси тўғрисида (инсон) масъулдир», — деб тиловат қилди.

— Хато қилдим, кечир — деб уз сўрадим.

— «Бугун сизлар айбланмайсизлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилур», — деди у.

— Мана бу туямга ўтириб, қарвонингга етиб олишингни хоҳлайсанми? — деб тақлиф қилдим.

— «Нима яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни билади», — деди. Туяни чўқирдим.

Шунда у:

— «Мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар», — деган оятни ўқиди. Мен кўзимни ундан уздим ва:

— Туяга чиқкин, — дедим. У минмоқчи бўлганида, туя ҳўриб кетди ва кийимини йиртиб юборди. Шунда:

— «Сизларга не мусибат етса, ўз кўларингиз қилган нарсаси-гўноҳ сабабли (етур)», — деб қироат қилди.

— Шошмай тур, туяни боғлаб қўяй, — дедим. У:

— «Биз уни Сулаймонга фаҳмлатдик», — деди у. Туяни боғлаб қўйиб, унга: «Мингин», дедим. Туяга миниб олгач, у:

— «Бизларга бундан бўйсиндирган зот Аллоҳ покдир. Бунга қодир эмас эдик. Албатта биз Раббимизга қайтувчимиз», — деди.

Жилвондан тутиб, қичқириб туяни тез ҳайдаб кетдим. Шунда у:

— «Уртача юриб, овозингни паст қилгин», — деган оятни ўқиди. Сўнгра секин юриб, шеър ўқиб бошлади.

— «Қуръондан билганларингизни ўқинглар», — деди кампир.

— Менга кўп яхшиликлар берилди, — дедим мен. У:

— «Ақл эгаларингизга эслайдилар», — деб ўқиди.

Биз оз юрганимиздан кейин:

— Эринг борми? — деб сўрадим.

У Моидга сурасининг 101-оятини ўқиб, жавоб берди:

— «Эй мўминлар, аён бўлганда сизларни хафа қиладиган нарсалар ҳақида сўраманглар».

Мен жим қолдим, қарвонига етиб олганимизча унга ҳеч нарсаси гапирмадим. Етиб келгач:

— Мана қарвон, бу ерда киминг бор? — деб сўрадим. У:

— «Мол ва болалар ҳаёти дунёнинг зийнатидир», — деди. Бу гапидан қарвонда фарзандлари борлигини билдим.

— Улар нима қиладилар? — деб сўраган эдим:

— «Белгилар қўйилди ва юлдузлар билан топуралар», — деган оятни ўқиди.

Болалари қарвонларда йўл бошловчи эканликларини билдим. У чайлалар томон ишора қилди.

— У ерда ким бор? — дедим. У яна оят ўқиди:

— «Аллоҳ Иброҳимни дўст тутди. Мусо билан Аллоҳнинг ўзи бевосита гаплашди. Эй Яхё, китобни маҳкам ушла».

— Эй Иброҳим, эй Мусо, эй Яхё! — деб, аёлнинг фарзандларини қақирдим. Олдимга ойдек йигитлар келиб, салом беришди. Шунда аёл ўғилларига:

— «Ўзингиздан бир кишини шу пулингиз билан шаҳарга жўнатинглар, у энг сара, покиза таомларни ташлаб, сизларга ундан ризқ-насиба олиб келсин», — деди.

Улардан бири бориб, таом сотиб олиб келди ва овқатни дастурхонга қўйди. Аёл яна тиловат қилди:

— «Сизлар ўтган кунларда қилган амалларингиз сабабли кўнглидагидек еб-ичинглар», — деди мен:

— Бу аёл ҳақида гапириб бермагунларингизча овқатларингизни емайман, — дедим.

— Бу аёл бизнинг онамиз бўлади, — деди улар, — қирқ йилдан бери Парвардигорнинг адаштиришидан, ғазаб қилишидан қўриб, Аллоҳнинг қаломи — Қуръони каримнинг сўзидан бошқа сўзани гапирмайди.

Шунда мен ҳам жавоб тариқасида бир оят ўқидим:

— «Бу Аллоҳнинг фазл-карами, уни хоҳлаган бандасига беради. Аллоҳ улўғ фазилат эгасидир».

Абдуқасим ХИКМАТОВ таржимаси.



Кўнглиларга қувонч, олам-олам шавқ бағишлаб ўлкамизда ёз кезмокда. Бундай кунларда зилол сув, тоза ҳаво, қуёш нури болакайларнинг яқин дўстига айланади. Улар ан-ҳорларда мириқиб чўмилиб, турли-туман спорт ўйинлари билан шуғулланибдилар. Айниқса, болакайларнинг ўзгара маҳалла-маҳаллага бў-

линиб, футбол ўйинини ташкил этишлари ва дастлабки тўп киритиш таасуротлари ҳаммасидан ҳам завқлидир.

СУРАТ: ҳақида футбол ўйини авжига чиққан пайт.

Даврон АХМАД олган сурат.

Биласизми?

ГАЗЕТАЛАР ТАРИХИДАН

• ДУНЁДА энг улкан газета АҚШда нашр этилган.

Бу 1859 йили Нью-Йорк шаҳрида мустақиллик кунини шарафига чиқарилган «Илю-минейтед гэдэрапл констел-лейшн» газетаси эди.

Биллиард столини эсла-туви бу газетанинг бўйи — 2,6 метр, эни — 1,82 метр бўлиб, ҳар бири 30 устунга бўлинган 8 саҳифадан иборат. У 28 минг нусхада маҳ-сус пишиқ қорғозга босил-ган.

Газетани чиқариш учун 8 ҳафта мобайнида 40 нафар ҳарф терувчи ишлаган.

• ЖАҲОНДА энг кичик га-зета Мексикада нашр этил-ган «Телеграмма»дир. Уни-

нг икки юз нусхасини улкан газетанинг бир нусхасига жо этиш мумкин.

• САВДО-СОТИҚНИ жон-лантириш мақсадида газе-та эълонларидан фойдала-нишни инглиз доришуноси Гуттон жорий этган. Гуттон реклама ва эълонлар босиб чиқариш мақсадида газета ташкил қилди.

У уйма-уй юриб, қорхона ва муассасалар ҳужайинла-ри билан учрашиб, газета-рекламани фойдали эканли-

гини тарғиб этган.

Ҳар бир эълон учун эса уч ярим шиллингдан ҳақ ол-ган. Кўп ўтмай Гуттон му-ваффақият қозонди.

«Эълонлар варақаси» катта фойда келтириб, у каттаги-на бойлик тўплади.

• АҚШда газеталарнинг аҳоли онгига таъсирини тадқиқ этувчи бир олим га-зета нимани тақлиф этса, оддий америкалик шуни сўзсиз бажаришини исбот-лаган. Профессор газетига

қуйидаги мазмунда эълон берган: «Менга бир доллар юборинг!»

Бир ҳафта ўтгач, эълон-ни ўзгартирган: «Нега шу кунгача бир доллар ҳам юбормадингиз?» Яна бир ҳафта ўтгач, газетдада про-фессорнинг янги эълони пайдо бўлди: бугун ҳам кеч эмас, сиз ўша бир доллар-ни юборишингиз мумкин, лекин, эртага кеч бўлади, Темирни қизигизда босинг!»

Биринчи эълон чиққанда почта орқали профессор но-мига — 500, иккинчисиди — 350, сўнгги мартасида — 1100 доллар пул келган.

Тўловчи

АКБАР АЛИЕВ.

СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ

КЕТМА-КЕТ

ФАЛАБА,

АММО...

Сидней

Олимпиада

Сидней шаҳрида ўтадиган олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ягона йўланмани 17 очко тўплаган Қозоғистон терма жамоаси қўлга киритгани ҳақида илғари хабар берган эдик. Қуни кеча гуруҳдаги сўнгги икки учрашув ўтказилди. Республикада футболчилари Биш-кекда Қирғизистон жамоасини 2:0 ҳисобида енгилар. Туркменистон жамоаси эса ўз майдонида Тожи-кистон жамоасини 6:1 ҳисобида мағлуб этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси гуруҳда 16 очко билан иккинчи ўринда қолди. Агар улар ўз майдонларида қозғистонликлар билан дуранг ўйнаганларида ҳам йўланмани қўлга киритишлари мумкин эди.

НАВБАТ — ОСИЁ

ЧЕМПИОНАТИГА

РЕСПУБЛИКАМИЗ футболчилари энди мавсумнинг энг муҳим мусо-бакаларидан бири — Ливанда ўта-диган Осиё чемпионати саралаш ба-хсларини муваффақиятди ўтказиш-лари зарур. Олимпиада терма жа-моаси негизда тўзилган гуруҳ му-собакага тайёргарликни бошлаб юборди.

Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясида бўлиб ўтган мураб-бийлар кенгаши мамакат миллий терма жамоасига мураббийларни тайинлади. «Самарқанд» жамоаси бош мураббийси Маҳмуд Раҳимов бош мураббий вазифасини ўтайди. В